

## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 290-ҳадис

\* وروينا في كتاب الترمذى وغيره عن أبي موسى الأشعري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "إذا مات ولد العبد قال الله تعالى ملائكته: قبضتم ولد عبدي؟ فيقولون: نعم، فيقول: قبضتم ثرثرة فؤاده؟ فيقولون: نعم؟ فيقول: فماذا قال عبدي؟ فيقولون: حمدك واسترجع، فيقول الله تعالى: ابنا لعבدي بيتا في الجنة، وسموه بيت الحمد".

قال الترمذى: حديث حسن.

290/3. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар бир банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: «Бандамнинг фарзандини олдингларми?» дейди. Фаришталар: «Ҳа», деб жавоб беришади. Аллоҳ: «Бандамнинг қалбининг мевасини олдингларми?» дейди. Фаришталар яна: «Ҳа», дейишади. Аллоҳ таоло: «Бандам нима деди?» деб сўрайди. Фаришталар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ (яъни, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», деб) айтди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам учун жаннатда бир уй қуринглар ва уни ҳамд уйи, деб атанглар», дейди», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.

**Фасл:** Хурросонлик соҳиблар айтишди: «Кимки, ҳамма ҳамдни ўз ичига олган ҳамд билан Аллоҳга ҳамд айтаман деб қасам ичса, «**Алхамду лиллаҳи ҳамдан ювафий ниъамаҳу ва йукафиу мазийдаҳу**», деб айтиши билан қасамини бажарган бўлади».

(**Маъноси:** Нематларини ҳосил қилган ва зиёдалигини мукофот қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Кимки мақтовларнинг энг чиройлиси билан Аллоҳни мақтайман, деб қасам

ичса, «**Лаа уҳсий санаан ъалайка анта кама аснайта ъала нафсиқа**» деб айтиши билан қасамини бажарган бўлади.

(Маъноси аввал келган.)

Баъзилар: «**Фалакалҳамду ҳатто тарзо**» (Рози бўлгунингча Сенга ҳамд бўлсин), дейилган гапни зиёда қилишган.

Абу Наср Таммор Муҳаммад ибн Назр роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилиб келтиришларича, Одам алайҳиссалом:

«Эй раббим, касби корим мени машғул қилиб қўйди. Менга бир нарса ўргатгинки ана шу ҳамма ҳамд ва тасбиҳларни ўз ичига олсин», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилиб: «Эй Одам қачон тонг оттиранг уч марта ва кеч киргизсанг уч марта **«Алҳамду лиллаҳи роббил ъаламийна ҳамдан йувафий ниъамаху ва йукафиъу мазийдаху»** деб айт, мана шу ҳамд ва тасбиҳларни ҳаммасини ўз ичига олгандир», деб айтди.

(Маъноси юқорида келган.)

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

